



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2021 yil « 3 » февраль

№ 50

Toshkent sh.

### Давлат ўрмон фонди участкаларини ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

“Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан ва ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2020 йил 29 сентябрдаги ЎРҚ–639-сон Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 декабрдаги 993-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ўрмон фонди участкаларини ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев ва Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси Н.Ж. Бакиров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

**Давлат ўрмон фонди участкаларини ижарага бериш тартиби  
тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

**1. 4-бандда:**

а) иккинчи хатбошига “(кейинги ўринларда парваришланган ўрмонлар деб аталади)” сўзларидан кейин “ҳамда ўрмон фондининг фойдаланилмаётган ерларини” сўзлари қўшилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

б) “Ўрмон фондининг фойдаланилмаётган ерлари жисмоний ва юридик шахсларга инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик асосида уч йилдан кам бўлмаган ва қирқ тўққиз йилдан ошмайдиган муддатга ижарага берилиши мумкин”.

**2. 7-банддаги “иловадаги” сўзи “ушбу Низомга 1-иловадаги” сўзлари билан алмаштирилсин.**

**3. 27-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“Ижара шартномалари ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ намунавий шартнома асосида расмийлаштирилади”.

**4. 37-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“37. Ижара тўловининг ставкаси ўрмон фонди участкасининг бир гектари учун бир йилга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида ҳисобланади.

Ўрмон фонди участкасининг ер тоифасидан ва жойлашиш зонасидан келиб чиқиб ижара тўлови ставкасини (ижара тўловининг таянч ставкасини) ҳисоблаб чиқиш қуйидаги тарзда аниқланади:

$Tc = Эc * Kи * Kл$ , бунда:

$Tc$  – бир йилга бир гектар учун ижара тўловининг ставкаси;

$Эc$  - бир йилга бир гектар учун ставка;

$Kи$  – ижара шакли;

$Kл$  – ликвидлиги 1 га тенг.

Ўрмон фонди участкасининг ер тоифаси ва жойлашиш зонасидан келиб чиқиб ижара шаклига қўлланиладиган коэффицентлар:

а) ўрмон барпо этиш учун:

фойдаланиладиган чўл зонасига – 1,25, тоғ зонасига – 1,5, водий ва тўқай зонасига – 2;

фойдаланилмайдиган чўл зонасига – 0,25, тоғ зонасига – 0,5, водий ва тўқай зонасига – 0,75;

б) қишлоқ хўжалиги экинлари экиш учун:

фойдаланиладиган чўл, тоғ, водий ва тўқай зонасига – 2;

фойдаланилмайдиган чўл, тоғ, водий ва тўқай зонасига – 0,75;

в) мевали боғлар барпо этиш учун:

фойдаланиладиган чўл зонасига – 1,5, тоғ, водий ва тўқай зонасига – 2;

фойдаланилмайдиган чўл, тоғ, водий ва тўқай зонасига – 1;

г) ёнғоқ мевали боғлар учун:

фойдаланиладиган чўл ва тоғ зонасига – 1,5, водий ва тўқай зонасига – 2;

фойдаланилмайдиган чўл, тоғ, водий ва тўқай зонасига – 1;

д) кўчат етиштириш учун:

фойдаланиладиган чўл, тоғ, водий ва тўқай зонасига – 3;

фойдаланилмайдиган чўл, тоғ, водий ва тўқай зонасига – 1,5;

е) лимонарий ва иссиқхоналар ташкил этиш учун:

фойдаланиладиган чўл зонасига – 2,5, тоғ, водий ва тўқай зонасига – 3;

фойдаланилмайдиган чўл, тоғ, водий ва тўқай зонасига – 2;

ж) яйлов ва пичанзорлар учун:

фойдаланиладиган чўл, тоғ, водий ва тўқай зонасига – 1;

фойдаланилмайдиган чўл зонасига – 0,25, тоғ, водий ва тўқай зонасига – 0,5;

з) доривор ўсимликлар етиштириш учун:

фойдаланиладиган чўл, тоғ, водий ва тўқай зонасига – 1,5;

фойдаланилмайдиган чўл, тоғ, водий ва тўқай зонасига – 0,75;

и) овчилик учун:

фойдаланиладиган чўл, тоғ, водий ва тўқай зонасига – 1;

фойдаланилмайдиган чўл, тоғ, водий ва тўқай зонасига – 0,5;

к) балиқчилик, туризм, агро туризм, экологик туризм, рекреация, соғломлаштириш, табиий ресурслар (туз, тош, қум, шағал, тупроқ ва бошқа қазилма бойликлар) жойлашган майдонлар, қурилиш (чорвачилик, паррандачилик, омборхона, қадоқлаш, музлаткич ва ҳакозо), аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш (автотураргоҳ, автомобилларга хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш мақсадларида) ва бошқалар учун:

фойдаланилмайдиган чўл, тоғ, водий ва тўқай зонасига – 2.

Ўрмон фонди ерларини ижарага олган ижарачиларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда ижара тўловининг “ноль” ставкаси қўлланилиши мумкин.

Қўмита Ҳайъатининг қарорига мувофиқ ҳудуднинг ёки ўрмон фонди участкасининг ликвидлигидан келиб чиқиб, қўшимча равишда пасайтирувчи ёки ўсувчи коэффицент қўлланилиши мумкин”.

**5. 38-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:**

“Ижара тўловидан тушадиган маблағларнинг алоҳида ҳисоби юритилади ҳамда маблағлар тўлиқ янги ўрмонзорлар барпо этиш тадбирларига йўналтирилади”.

**6.** Иловадаги “Давлат ўрмон фонди участкаларини ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомга илова” сўзлари “Давлат ўрмон фонди участкаларини ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомга 1-илова” сўзлари билан алмаштирилсин.

**7.** Қуйидаги мазмундаги 2-илова қўшилсин:

“Давлат ўрмон фонди участкаларини ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомга 2-илова

### **Ўрмон фонди ерларини ижарага бериш бўйича НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА**

20 \_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_ (шартнома тузилган жой)

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – Қўмита), Қўмита томонидан ваколат берилган ҳолларда – Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси, вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармалари \_\_\_\_\_ (ижарага берувчининг фамилияси, исми, отасининг исми)

орқали, кейинги ўринларда – “Ижарага берувчи”, бир томондан, ҳамда \_\_\_\_\_ орқали, кейинги \_\_\_\_\_ (ижарага олувчининг фамилияси, исми, отасининг исми)

ўринларда – “Ижарага олувчи”, иккинчи томондан ушбу Шартнома қуйидагилар тўғрисида тузилди:

#### **I. Шартнома предмети**

1. Ижарага берувчи 20 \_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ дан \_\_\_\_\_ йил муддатга \_\_\_\_\_ да жойлашган \_\_\_\_\_ гектар ер участкасини далолатнома асосида ижарага топширади, Ижарага олувчи эса қабул қилиб олади.

2. Ижарага олувчининг ер участкаси чегаралари, мавжуд кўчмас мулк объектлари, дарахтлар, ирригация, мелиорация тизимлари, йўллар ва бошқа инфратузилма объектлари мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган илова қилинаётган ер майдонларини топшириш-қабул қилиш далолатномаси ва харитада кўрсатилади.

3. Ер участкаси \_\_\_\_\_ учун берилди.  
(ижарага бериш мақсади ва ихтисослашуви)

4. Ижарага берилаётган ер майдони жами \_\_\_\_\_ гектар бўлиб, шундан \_\_\_\_\_ ер турларидан иборат.

5. Сервитутлар \_\_\_\_\_.

## II. Ижара ҳақи

6. Ўрмон фонди участкасининг ижара тўлови миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 декабрдаги 993-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ўрмон фонди участкаларини ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомга асосан \_\_\_\_\_ миқдорда белгиланди.

7. Ижара тўловини ўз вақтида тўламаганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда молиявий санкциялар қўлланилади.

8. Ижара шартномасида коммунал ва асосий воситалардан фойдаланиш (ижарага олиш) тўловлари, шу жумладан, амортизация ажратмалари (мавжуд бўлганда) учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда алоҳида тўлов назарда тутилади.

9. Ижара тўлови тўлиқлигича Кўмитанинг СТИР: 200 934 675, ХХТУТ: 97 300, ИФУТ: 84 112, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги х/р 23 402 000 300 100 001 010, МФО 00 014, МБ ББ ХККМ Тошкент шаҳри СТИР: 201 122 919, Фонд ш/х: 4014 1086 0262 9470 4220 1142 002 (жарима, яйлов, ижара ва бошқа тушумлар тушадиган ҳисобварақ), манзил: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ Кўмитанинг Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.

## III. Ер участкасини бериш ва ундан фойдаланиш шартлари

10. Ер участкасидан ушбу Шартноманинг 3-бандида кўрсатилган мақсадларда, белгиланган тартибда фойдаланилиши керак.

11. Ижарага олинган ер участкасида қурилиш ишларини амалга ошириш, ички хўжалик объектлари қурилиши ишлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

12. Ўрмон фондидан вақтинча фойдаланиш учун олинган ер майдони фойдаланиш муддати тугаганда Ижарага олувчи томонидан бузилган ерлар қайта тикланиб (рекультивация), Ижарага берувчига далолатнома орқали топширишлари шарт.

13. Ер участкаси бериш ва ундан фойдаланишнинг бошқа шартлари ҳам белгиланиши мумкин.

## IV. Ижарага берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

14. Ижарага берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ижарага олувчи томонидан Шартнома шартлари бузилганда ёки ер участкасини ёхуд унинг бир қисмини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш зарур бўлганда ушбу Шартномани ўзгартиришни ёки бекор қилишни талаб қилиш;

ўрмондан вақтинча фойдаланувчиларнинг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

ижара ҳақини муддатида тўланишини талаб қилиш.

Ижарага берувчининг бошқа ҳуқуқлари \_\_\_\_\_.

15. Ижарага берувчи қуйидагиларга мажбур:

ижарага олинган ер участкасининг белгиланган муддатларда Шартнома шартларига мувофиқ ҳолатда берилишини таъминлаш;

Ижарага олувчининг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларига риоя қилиш;  
ердан белгиланган мақсадга мувофиқ оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг табиатни муҳофаза қилувчи технологияларини қўллаш, ўз хўжалик фаолияти натижасида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашувиغا йўл қўймаслик, ишлаб турган ирригация ва мелиорация тармоқлари, муҳандислик

коммуникацияларини соз ҳолатда сақлаб туриш, ижара ҳақини ўз вақтида тўлаш, қўшни ижарачиларнинг ҳуқуқларини бузмаслик талабларини қўйиш;

Ижарага берувчининг бошқа мажбуриятлари \_\_\_\_\_.

#### **V. Ижарага олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

16. Ижарага олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ер участкасида ундан фойдаланиш мақсадига мувофиқ равишда хўжалик юритиш;  
ер участкасида мавжуд бўлган ўрмонзорлар, сув объектларидан хўжалик эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда фойдаланиш, шунингдек, тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида маҳаллий ўғитлар билан озиклантириш орқали ернинг бошқа фойдали хоссаларини ишга солиш;

ерларнинг захини қочириш, агротехник ва бошқа мелиоратив ишларни белгиланган тартибда амалга ошириш;

экинларни, дарахтларни суғориш ва бошқа мақсадлар учун суғориш манбаларидан лимитларга мувофиқ сув олиш:

ўрмонларни муҳофаза қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан оқилона фойдаланиш соҳасида белгиланган тартибларга риоя этиш;

ўрмонларда ёнғинга қарши тадбирларни ўтказиш ва ёнғинларни бартараф этиш чораларини кўриш, шунингдек, ўрмонларни зараркунандалар ҳамда касалликлардан ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар ўтказиш;

ижарага берувчи билан келишган ҳолда давлат ўрмон фонди участкаларида биотехник тадбирларни амалга ошириш;

ижарадан фойдаланганлик учун ўз вақтида ва белгиланган тартибда ҳақ тўлаш;

ўрмондан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузмаслик.

Ижарага олувчи қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадир.

17. Ижарага олувчи қуйидагиларга мажбур:

ер участкаси ихтисослашувини мазкур Шартноманинг 3-бандига мувофиқ сақлаш;

мавжуд дарахтларни тўлиқ ҳолда сақлаш ва кўпайтириш чораларини кўриш, ердан унинг белгиланган мақсадига қатъий мувофиқ оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг табиатни муҳофаза қилувчи технологияларини қўллаш, ўз фаолияти натижасида ҳудуддаги экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик;

мавжуд ирригация-мелиорация тармоқларини ва муҳандислик коммуникацияларини соз ҳолатда сақлаш;

ерларни муҳофаза қилиш бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган комплекс тадбирларни амалга ошириш;

ижарага олинган ер майдонида ўзбошимчалик билан қурилиш иншоотлари қурмаслик;

ижара ҳақини ўз вақтида тўлаш.

Ижарага олувчи қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эгадир.

Мазкур ишларни амалга оширишдаги сарф-ҳаражатлар Ижарага олувчи томонидан қопланади.

#### **VI. Ер участкасини ижарага бериш шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш**

18. Мазкур Шартноманинг талаблари бажарилмаслиги Шартнома бекор қилинишига асос бўлади. Бошқа ҳолларда Шартнома томонларнинг келишувига кўра, томонларнинг келишувига эришилмаган тақдирда эса – суд қарорига кўра ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

19. Ушбу Шартнома қуйидаги ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин:

ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий равишда воз кечилганда;  
ердан белгиланган мақсадда фойдаланилмаганда, самарасиз фойдаланилганда,  
Ижарага олувчининг айби билан бир йил давомида ижара ҳақи тўланмаганда;  
ерларнинг экологик ҳолати Ижарага олувчининг айби билан ёмонлашганда;  
Шартнома шартлари бажарилмаганда;  
ер участкаси белгиланган тартибда олиб қўйилганда.  
Шартнома қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам бекор қилиниши мумкин.

### VII. Томонларнинг жавобгарлиги

20. Томонлардан бири ушбу Шартноманинг шартларини бажармаганда ёки қонун ҳужжатларини мунтазам равишда бузганда иккинчи томон ушбу Шартноманинг белгиланган тартибда бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

21. Томонлардан бири Шартномани бекор қилиш мўлжали тўғрисида иккинчи томонни Шартнома бекор қилиниши сабабларини асослаган ҳолда мўлжалланаётган бекор қилиш санасидан уч кун олдин ёзма равишда хабардор қилади.

### VIII. Низоларни ҳал этиш

22. Ушбу Шартномани амалга оширишда пайдо бўладиган низолар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

### IX. Шартноманинг алоҳида шартлари

23. \_\_\_\_\_  
(Шартномада назарда тутилмаган ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган шартлар кўрсатилади).

### X. Якунловчи қоидалар

24. Ушбу Шартнома уч нусхада тузилди. Улардан биттаси Қўмигада, иккинчиси ижарага берувчида, учинчиси ижарага олувчида сақланади.

25. Қўмигада рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар ҳақиқий ҳисобланмайди.

### Томонларнинг манзиллари:

Ижарага берувчи:

Ижарага олувчи:

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

### Томонларнинг имзолари:

Ижарага берувчи –

Ижарага олувчи –

Имзо \_\_\_\_\_ Ф.И.О. \_\_\_\_\_  
М.Ў.

Имзо \_\_\_\_\_

Паспорт маълумотлари

СТИР \_\_\_\_\_

Шартнома 20 \_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ -сон тартиб рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

Имзо \_\_\_\_\_ Ф.И.О. \_\_\_\_\_  
М.Ў.  
”

